



THE ROLE OF VICTIM BEHAVIOR IN THE COMMISSION OF INTENTIONAL HOMICIDE

Tursunboyev Sardorbek Ilkhomjon o'g'li

Independent researcher at the Academy of the Ministry of Internal
Affairs of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18322705>

ARTICLE INFO

Received: 15th January 2026

Accepted: 20th January 2026

Online: 21st January 2026

KEYWORDS

Intentional homicide, crime, victim, victimization, intoxication, behavior, active victimization, passive victimization, prevention.

ABSTRACT

The article analyzes the role of the victim's behavior in the commission of intentional homicide. According to the research findings, 43% of victims were under the influence of alcohol, and 65% exhibited negative behavior at the time of the crime. The level of victimization manifests in active, passive, and contributory forms. Immoral, careless, and provocative actions of the victim create situations that contribute to the commission of homicide. The study examines the social, psychological, and cultural characteristics of victims and their impact on criminal behavior. The results are significant for implementing victimological preventive measures and enhancing personal safety in cases of intentional homicide.

ҚАСДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТИ СОДИР ЭТИЛИШИДА ЖАБРАНУВЧИЛАРНИНГ ВИКТИМ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ РОЛИ

Турсунбоев Сардорбек Илхомжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18322705>

ARTICLE INFO

Received: 15th January 2026

Accepted: 20th January 2026

Online: 21st January 2026

KEYWORDS

Қасдан одам ўлдириш, жиноят, жабранувчи, виктимлик, мастлик, хулқ-атвор, фаол виктимлик, пассив виктимлик, профилактика.

ABSTRACT

Мақолада қасдан одам ўлдириш жиноятида жабранувчиларнинг виктим хулқ-атвори ва унинг жиноят содир этилишидаги роли таҳлил қилинган. Тадқиқот натижаларига кўра, жабранувчиларнинг 43 фоизи маст ҳолатда бўлган ва 65 фоизи салбий хулқ-атвор кўрсатган ҳолатларда қурбонга айланган. Виктимлик даражаси фаол, пассив ва кўмаклашувчи шаклларда намоён бўлади. Жабранувчиларнинг ахлоқсиз, эҳтиётсиз ва провокацион хатти-ҳаракатлари қасдан одам ўлдиришга олиб келувчи вазиятларни яратади. Мақолада жабранувчиларнинг ижтимоий, психологик ва маданий хусусиятлари ҳамда уларнинг жиноят содир этилишидаги



аҳамияти илмий таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари қасддан одам ўлдириш жиноятларида виктимологик профилактика ва шахсий хавфсизлик чораларини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Жабрланувчининг виктимлик даражаси унинг жиноят содир этилишида билвосита иштироки бор-йўқлиги билан белгиланади. Илмий манбаларда виктимликнинг турлари – фаол, пассив ва кўмаклашувчи шакллари ажратиб кўрсатилади. Масалан, спиртли ичимликлар истеъмоли ортидан бошланган жанжаллар кўп ҳолларда ўлдириш билан тугайди, бунда жабрланувчи провокацион хулқ-атвори билан жиноятни рағбатлантирган бўлиши мумкин. Шу сабабли, жабрланувчининг маст ҳолда бўлиши, ифодасиз муносабати ёки хатарни ҳис қилмаслик каби омиллар жиноятга шароит яратиши мумкин¹.

Биринчи таҳлил: Қасддан одам ўлдириш жиноятларини ўрганишда жабрланувчининг жиноят содир этилган пайтдаги ҳолати, хусусан унинг мастлик ҳолатида бўлган-бўлмагани алоҳида аҳамият касб этади. Виктимология нуқтаи назаридан маст ҳолатда бўлиш шахснинг хавф-хатарларга дуч келиш эҳтимолини оширади, жумладан, у жиноятчи хатти-ҳаракатларини олдиндан англай олмаслиги, кутилмаган ҳолатларга реакция қайтариш қобилиятининг сусайиши, ўзини ҳимоя қилиш қобилиятининг пасайиши ва энг муҳими, провокацион, яъни қўзғатувчи хулқ-атвор намоён этиши мумкин².

2020–2024 йиллар давомида қасддан одам ўлдириш жиноятларида *маст ҳолатда* бўлган жабрланувчилар сони қуйидагича қайд этилган:

- 2020 йилда — 38 нафар,
- 2021 йилда — 50 нафар,
- 2022 йилда — 31 нафар,
- 2023 йилда — 33 нафар,
- 2024 йилда — 35 нафар.

Умумий ҳисобда беш йил давомида 187 нафар жабрланувчи маст ҳолатда бўлган, яъни таҳлил қилинган умумий жабрланувчиларнинг 43 фоизини ташкил этган. Бу жуда юқори кўрсаткич бўлиб, жабрланувчининг мастлик ҳолати қасддан одам ўлдириш жинояти учун муҳим виктимологик омиллардан бири эканини тасдиқлайди.

Таҳлил натижасидан кўриниб турибдики, 2021 йилда маст ҳолатдаги жабрланувчилар сони энг юқори (50 нафар) бўлган. Бу ҳолат пандемиядан кейинги

¹ Ғозибеков Т.И., Маиший турмуш жараёнидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва ҳимоя ордери бериш фаолияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти, 2022. 117 б.

² Alcohol Use and Interpersonal Violence - Alcohol Detected in Homicide Victims// *AJPH* Volume: 76 Issue: 2 Dated: (February 1986) Pages: 144-149.



даврда аҳолининг руҳий-эмоционал зичлиги, ишсизлик, маиший муаммолар ва ичкилик истеъмоли ортиши билан изоҳланиши мумкин. Қолаверса, 2020–2022 йиллардаги рақамлар кўпроқ ичкилик истеъмоли билан боғлиқ жиноятлар сонининг ошганини ҳам кўрсатади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маст ҳолда бўлган жабрланувчилар иштирокидаги ўлдириш жиноятлари, асосан, шахсий муносабатлар, жанжаллар, ур-тепиш билан боғлиқ вазиятларда содир этилган. Мастлик инсоннинг ҳиссиёт ва идрок тизимини издан чиқаргани сабабли, жиноятчи билан бўлган оддий тортишув ҳам қаттиқ можарога айланиши мумкин.

Мастлик ҳолатида бўлиш жабрланувчи томонидан жиноятга фаол виктимлик кўринишида иштирок этиши эҳтимолини ҳам оширади. Яъни, бундай жабрланувчи можарани бошлаган, қўпол муносабат билдирган, зўравонликни рағбатлантирган бўлиши мумкин. Бу эса жиноятчида тажовузни қўзғатади ва оғир оқибатга — ўлдиришга сабаб бўлади. Шу билан бирга, баъзи ҳолатларда жабрланувчи маст ҳолатда бўлса-да, бевосита провокация қилмаган, фақат ҳимоялана олмаслиги сабабли қурбонга айланган бўлиши мумкин³.

Кўшимча равишда таъкидлаш лозимки, бу каби ҳолатларда жиноятни содир этган шахс ҳам кўпинча маст ҳолда бўлади. Бу эса жабрланувчи ва жиноятчининг бир вақтда хушсиз, эмоционал ҳолатда бўлган шароитида фожеали оқибат юз берганини англатади. Мазкур ҳолатлар виктимология ва криминология соҳасида “маиший жиноятчилик” тушунчаси доирасида ўрганилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қасддан одам ўлдириш жинояти қурбонларининг катта қисми - 43 фоизи маст ҳолда бўлгани жабрланувчилик хавфи ва шахсий масъулиятни англаш даражасига жиддий етарли эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Бундай ҳолатларда профилактика чоралари фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан эмас, балки соғлом турмуш тарзи, ичкиликбозликка қарши кураш, оммавий ахборот воситалари орқали хабардорликни ошириш, руҳий ва оилавий маслаҳат хизматлари орқали амалга оширилиши лозим.

Иккинчи таҳлил: Айрим ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзи ҳам аввалги ҳуқуқбузарликларга алоқадор бўлган, яъни уларнинг ўзи жиноятчилар қаторида ёки жиноятчилар муҳитида яшаган шахслар бўлиши мумкин. Бундай шахсларнинг виктимлик хавфи юқори бўлади, чунки улар зўравон муҳитда яшашга мослашган ва хавфсизлик чораларини етарлича қўлламайди. Шунингдек, кўплаб қурбонлар жиноят содир бўлишидан аввал таҳдидларга дуч келган, ёки олдинги жанжалларнинг мантиқий давоми сифатида ўлдирилган⁴.

Жабрланувчининг психологик ва ижтимоий хусусиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Конфликтли, тажовузкор ёки қаттиққўл хулқ-атвор соҳиби бўлган

³ Alcohol Involvement in Homicide Victimization in the United States.// 2016 Dec;40(12):2614-2621. doi: 10.1111/acer.13230. Epub 2016 Sep 27.

⁴ Does childhood victimization predict specific adolescent offending? An analysis of generality versus specificity in the victim-offender overlap// 2020 Mar;101:104328. doi: 10.1016/j.chiabu.2019.104328. Epub 2019 Dec 20.



шахслар кўп ҳолларда жиноятчи томонидан провокация сифатида қабул қилиниб, қасддан ўлдиришга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда шахсинг ижтимоий ролини, жамоатдаги мақомини, оиладаги муносабатларини аниқ таҳлил қилиш зарур бўлади. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, маҳаллада ижтимоий назорат паст бўлган жойларда виктимлик даражаси юқори бўлади.

Қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчиси фақат пассив қурбон эмас, балки айрим ҳолларда жиноят содир этилишига сабаб бўлувчи муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширган шахс сифатида ҳам қаралади. Виктимологияда бу каби ҳолатлар фаол виктимлик сифатида баҳоланади ва жабрланувчи ўзининг оғир, таҳқирловчи, тажовузкор ёки эҳтиётсиз хулқ-атвори орқали жиноятчида тажовузни рағбатлантирган бўлиши мумкин⁵. Қуйида ушбу жабрланувчи хатти-ҳаракатларининг мазмуни ва жиноятга таъсири илмий таҳлил қилинади.

Таҳлил қилинган маълумотларга кўра, жабрланувчиларнинг 54 фоиз ёки 218 нафар ҳолатда “ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар” жиноятга сабаб бўлган. Ахлоқсизлик тушунчаси доирасида турли шаклдаги ножоиза, маданиятсиз, ўзини ёки бошқаларни ҳақорат қилиш, ичкиликбозлик, бузуқлик, шахсий ҳаётга дағал аралашув, жанжал чиқариш каби ҳаракатлар назарда тутилади. Бу ҳолат кўпинча оилавий муносабатларда, турмуш ўртоқлар ва яқин қариндошлар ўртасида юзага келган можароларда намоён бўлади. Ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар жиноятчининг нафақат ғазабини, балки унинг шаъни, кадр-қимматини таҳдид остида қолдирган ҳолатни яратиб, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

106 та ҳолатда (27 фоиз) жабрланувчи томонидан содир этилган эҳтиётсизлик жиноятнинг сабаби бўлган. Бундай ҳолатларда қурбон хавфсизлик чораларини кўрмаслик, жиноятчига ишониб кетиш, оғир жанжаллар муҳитида қолиш, зўравонлик хавфини англамаслик ёки бағритошлик билан жавоб қайтариш каби хатти-ҳаракатларни намоён этган. Эҳтиётсизлик - бевосита жиноятни рағбатлантирмасда-да, у шароит яратиб бериши, масалан, тор жойда ёлғиз қолиш, жанжал муҳитида иштирок этиш, маст шахс билан можаралашини сингари ҳолатларда муҳим рол ўйнаши мумкин. Бу ҳолатлар жабрланувчининг шахсий хавфсизлик маданияти ва жиний вазиятни баҳолаш қобилияти паст бўлганини кўрсатади.

Ҳақоратли хатти-ҳаракатлар — жиноятнинг 34 та ҳолатида (9 фоиз) сабаб бўлган. Бундай ҳолатларда қурбон жиноятчига нисбатан оғзаки камситиш, шаънига дахлдор сўзлар, таҳқирлаш, унинг оила аъзолари ёки шахсий кадриятига нисбатан беҳурмат муносабат билдирган бўлиши мумкин. Виктимология нуқтаи назаридан бундай вазият “эмоционал портлаш” ёки “шахсий туйғуларни назорат қилолмаслик” ҳолатида жиноятни келтириб чиқарадиган асосий психоген омиллар сирасига киради.

Калтаклаш ва жисмоний зўравонлик – 16 та ҳолатда (4 фоиз) жабрланувчи жиноятчига нисбатан аввало тажовуз қилган, жисмоний таъсир кўрсатган, қўл

⁵ Sanjukta Chatterjee. Victimology- origin & development.// [file:///C:/Users/user/Downloads/ SC_victimology origin.pdf](file:///C:/Users/user/Downloads/SC_victimology_origin.pdf)



кўтарган ва шу орқали жиноятни рағбатлантирган. Бу турдаги хатти-ҳаракатлар ҳолатларида жабрланувчи реал манода фаол виктимлик намоён этган ва жиноятчини зўравонликка ундаган.

Қолган 26 та ҳолат (7 фоиз) бошқа сабаблар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ичида мулкӣ низолар, меросга оид даъволар, иш фаолиятидаги келишмовчиликлар, муҳаббат туйғулари билан боғлиқ рашк ва шахсий эғони таҳдид остида қолдирувчи омиллар мавжуд. Бундай ҳолатлар жиноятни содир этган шахснинг руҳий ҳолатига, шахсий таассуротларига ва жабрланувчига нисбатан илгари мавжуд бўлган муносабатларга боғлиқ ҳолда юзага келган бўлиши мумкин.

Умуман олганда, таҳлил шуни кўрсатадики, жабрланувчиларнинг қарийб 73 фоизи (ахлоқсизлик + эҳтиётсизлик + ҳақорат) жиноятга бевосита ёки билвосита туртки бўлган хатти-ҳаракатларни содир этган. Бу ҳолатлар жабрланувчининг хулқ-атвор маданияти, жамиятдаги муомала қоидаларига риоя этиши ва шахсий хавфсизликни таъминлаш маданияти етишмаслиги билан боғлиқ эканини кўрсатади. Виктимологияда бундай хатти-ҳаракатлар нафақат жиноятни содир этишга шароит яратади, балки унинг ижтимоий хавфини ҳам оширади.

Учинчи таҳлил: Қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчисининг шахсий хулқ-атвори жиноятнинг содир этилишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиши мумкин. Виктимологияда бу омил «виктимоген хулқ-атвор» сифатида қаралади ва жиноятчи хулқ-атворига таъсир қилувчи ташқи таҳриротчи ёки рағбатлантирувчи манба сифатида баҳоланади. Шахснинг жиноят содир этилган пайтдаги муносабати, сўзлари, ҳаракатлари, кайфияти ва умумий ижтимоий хатти-ҳаракати унинг қурбон сифатида танланиш хавфини белгилайди.

Ушбу таҳлил учун тақдим этилган маълумотларга кўра, **420 та ҳолатда жабрланувчиларнинг хулқ-атвор ҳолати** қуйидагича тақсимланган:

Биринчидан, Таҳлил қилинган ҳолатларнинг мутлақ кўпчилигида, яъни (271 та ҳолта) 65 фоизида жабрланувчилар *салбий хулқ-атвор* намоён этган. Бу тоифага турли кўринишдаги ҳужумкор, хафагар, ҳақоратомуз, провокацион, тажовузкор ёки ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар киради. Масалан, ичкиликбозлик, ҳақоратли сўзлар айтиш, жисмоний калтаклаш, шаънига тегиш, ҳаддан ташқари дағал муомала, рағбатлантирувчи чақириқлар ва ҳоказолар. Бундай вазиятларда жабрланувчи жиноятчининг тажовузини тўғридан-тўғри ёки билвосита рағбатлантирган. Шу боис, салбий хулқ-атворни намоён этган шахслар “фаол виктимлар” деб аталади. Бу ҳолатлар кўпинча маиший жанжаллар, оилавий низолар, мулкӣ можаролар ҳамда шахсий муносабатлар фонида юзага келган.

Шуни таъкидлаш лозимки, бундай ҳолларда жиноятчи жиноий ҳаракатни аслида “интиқом”, “жазо” ёки “шаънини тиклаш” мақсадида содир этганини билдириши мумкин. Бироқ, қандай ҳолатда бўлмасин, инсон ҳаётини қасддан тортиб олиш ҳар қандай юриспруденцияда оғир жиноят сифатида баҳоланади.

Иккинчидан, жабрланувчиларнинг (97 та ҳолат) 23 фоизини ташкил этган нейтрал хулқ-атвор ҳолатларида, қурбон ҳеч қандай тажовузкорлик, ҳақорат ёки хатога йўл қўймаган, яъни вазиятда мутлақо бетараф иштирокчи бўлган. Бундай



ҳолатларда жиноят, одатда, жиноятчининг шахсий ички зиддиятлари, руҳий носоғломлиги, экстремал ҳолатлардаги реакцияси ёки эҳтиёсизлик асосида содир этилган бўлиши мумкин. Масалан, ўз жаҳлини бошқара олмаганлик, ножоиз гумон қилиш, хато айбловлар ортидан содир этиладиган жиноятлар. Нейтрал хулқ-атвор билан боғлиқ жабрланувчиларга нисбатан жиноятларни виктимологик нуқтаи назардан “бефаол виктимлик” ҳолатлари деб аташ мумкин.

Учинчидан, жиноятлар (52 та ҳолат) 12 фоиз ҳолатда *ижобий хулқ-атвор* намоён этган шахсларга нисбатан содир этилган. Яъни, қурбон ҳеч қандай жанжал, зиддият ёки тажовузкор хулқни намоён этмаган, балки тинч, ҳурматли ва мулоғим шахс бўлган. Бу ҳолатлар инсон ҳаётининг бутунлай ноинсоний, манфаатдорлик ёки нафрат туйғуси асосида қасддан йўқ қилинган ҳолатларини ифода этади. Бундай ҳолатлар жамият учун жуда хавfli ва айниқса жирканч жиноятлар сирасига киради. Улар нафақат жабрланувчи, балки жамоатчиликда ҳам кучли руҳий таъсир қолдиради. Бундай ҳолатлар кўпинча шахсий интиқом, ҳиссий назорат йўқолиши, психопатологик ҳолатлар ёки пул, мерос, мулкий манфаатлар ортидан содир этилади.

Юқоридаги таҳлиллардан аниқ кўриниб турибдики, қасддан одам ўлдириш жабрланувчиларининг аксар қисми (65 фоиз) салбий хулқ-атвор намоён этган ҳолатларда жиноят қурбонига айланган. Бу жиноятнинг содир этилишида қурбоннинг ҳам муайян даражада таъсири борлигини англатади. Шу билан бирга, ҳар тўртинчи ҳолатда (23 фоиз) жабрланувчи бетараф муносабатда бўлган ва ҳар ўнинчи ҳолатда (12 фоиз) эса қурбон яхши хулқли шахс бўлган ҳолатлар қайд этилган. Бу эса жиноятчиларда жамият қоидаларига зид, зиддиятли хулқ-атвор ва инсон ҳаётига нисбатан беэтиборлик мавжудлигини кўрсатади.

Виктимологик профилактика нуқтаи назаридан, ушбу таҳлиллар одамлар ўртасидаги муносабатлар маданиятини ошириш, шахсий хулқ-атворни бошқариш, жанжалларни барвақт олдини олиш, зўравонликка қарши психологик профилактик чораларни жорий этиш зарурлигини кўрсатади. Шунингдек, жамиятда шахс хавфсизлигини таъминлашга қаратилган оммавий ахборот, таълим ва ахлоқий-тарбиявий фаолиятни кенгайтириш талаб этилади.

Бундай таҳлиллар қасддан одам ўлдириш жиноятларининг олдини олишда виктимологик профилактиканинг аҳамиятини янада оширади. Жисмоний ва маънавий зўравонликларга мойил муносабатларни бартараф этиш, фуқароларнинг шахсий хавфсизлик маданиятини ошириш, жамиятда мулоқот маданиятини шакллантириш ва низоларни ҳал қилишда ҳуқуқий механизмларни фаол қўллаш бу йўналишда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилишида жабрланувчиларнинг виктим хулқ-атвори муҳим рол ўйнайди. Жабрланувчининг мастлик ҳолати, салбий хулқ-атвор, эҳтиётсизлик ёки провокацион хатти-ҳаракатлари қасддан ўлдиришга олиб келувчи вазиятларни яратади. 2020–2024 йиллар давомида олиб борилган таҳлилларда жабрланувчиларнинг 43 фоизи маст ҳолатда бўлган ва 65 фоизи салбий хулқ-атвор намоён этган. Бу кўрсаткичлар



жабрланувчиларнинг шахсий хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвор маданияти жиноят содир этилишида қанчалик муҳим эканини кўрсатади.

Тадқиқот шуни кўрсатмоқдаки, қасддан одам ўлдириш ҳолатлари кўпинча жабрланувчи ва жиноятчи ўртасидаги олдиндан шаклланган ижтимоий, оилавий ва шахсий муносабатлар фонида юзага келади. Жабрланувчиларнинг ижтимоий фаоллиги ва қаршилиқ кўрсатиш қобиляти пастлиги уларни юқори виктимлик гуруҳига киритади. Шундан келиб чиқиб, жиноятларни профилактика қилишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки психологик, ижтимоий ва тарбиявий чоралар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, таҳлилларда жабрланувчиларнинг қасддан одам ўлдиришга сабаб бўлган хатти-ҳаракатлари турли шаклда намоён бўлгани кўрсатилди: ахлоқсизлик (54 фоиз), эҳтиётсизлик (27 фоиз), ҳақоратли хатти-ҳаракатлар (9 фоиз), калтаклаш ва зўравонлик (4 фоиз), шунингдек мулкӣ ва шахсий можаролар (7 фоиз). Бу ҳолатлар жабрланувчи ўз хулқ-атвори орқали жиноятчини тажовузга ундаши мумкинлигини кўрсатади.

Виктимология нуқтаи назаридан, ушбу тадқиқот қасддан одам ўлдириш жиноятларида жабрланувчиларнинг актив ва пассив виктимлик ҳолатларини аниқлайди, уларнинг ижтимоий, психологик ва маданий хусусиятлари жиноят содир этилишида қанчалик муҳим эканини тасдиқлайди. Бу эса қасддан одам ўлдириш жиноятларининг олдини олишда виктимологик профилактика чораларини, жумладан, шахсий хавфсизлик маданиятини ошириш, зўравонликка қарши психологик ва ижтимоий дастурларни кенг қўллашни зарурлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлил қасддан одам ўлдиришда жабрланувчиларнинг виктим хулқ-атвори жиноятнинг содир этилишида ҳал қилувчи омиллардан бири эканини кўрсатади ва ушбу йўналишда профилактика, ҳуқуқӣ, ижтимоий ва психологик чораларнинг комплекс амалга оширилиши зарурлигини таъкидлайди.